ISSN:3030-332X
Impact factor: 9,493
International journal of scientific researchers

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ТАСНИФИ ВА АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Темирова Гулсара Тўлқиновна
мустақил тадқиқотчи
https://doi.org/10.5281/zenodo.22862984

Маълумки, кишилик жамияти ўз қонуниятлари билан ривожланиб борувчи мураккаб тизимдир. Ушбу тизимни шакллантириш ва унинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни бевосита сиёсий жараённинг иштирокчилари ҳал этадилар. Сиёсий жараён деб жамиятни бир бутун, яхлит тизим сифатида шаклланиши ва фаолият кўрсатиши билан боғлиқ жараёнларга айтилади.

Сиёсий жараён инсоният жамиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиб, у жамият ривожланишининг турли босқичларида турлича хусусиятларга эга бўлган. Ҳозирги замон сиёсий жараёнининг ўзига хослиги жамоат ташкилотларининг жамият сиёсий жараёнларидаги ўрни ва аҳамияти бевосита ортиб бораётганлиги билан белгиланиб, сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатлар сиёсий жараёнининг субъектлари ҳисобланади[1].

Илмий адабиётларида партия тушунчасига берилган бир қанча таърифлар мавжуд бўлиб, шулардан бири этимологик таъриф ҳисобланади. “Партия” сўзи лотинча “partis” сўзидан келиб чиққан ва муайян яхлит нарсанинг қисми, бўлаги, парчаси маъносини англатади. Партия сиёсий реалликнинг қисми, элементидир. Масалан, Аристотел партияни ижтимоий гуруҳларнинг бир қисми сифатида талқин этган. Бугунги кун нуқтаи-назаридан қиёсий қарайдиган бўлсак, партияни ҳозирги вақтда сиёсий тизимнинг бир тагтизими сифатида кўриш мумкин.

Яна бир таърифлардан бири синфий (Марксча) таъриф ҳисобланади. Марксча таълимот тарафдорлари партияга синфийлик нуқтаи назаридан ёндашганлар. Уларнинг таъкидлашича, партия жамиятнинг муайян синфи манфаатларини ўзида ифодаловчи онгли, уюшган қисмидир.

Турли адбиётларда олимлар томонидан келтирилган таърифлардаги мавжуд умумий жиҳатларни ва бугунги замонавий сиёсий жараёнларнинг йўналишини ҳисобга олиб, партияга қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Партия – жамиятда маълум бир гуруҳдаги кишиларни ягона ғоя атрофида ихтиёрий равишда бирлаштириб, ўз ғоясидан келиб чиққан ҳолда белгиланган мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда ҳокимият учун кураш олиб борувчи, ўзининг низоми, дастури, таркибий тузилишига эга бўлган сиёсий ташкилотдир”.

Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоийиқтисодий табақаланиш рўй берган ва бунинг оқибатида манфаатлари бирбирига қарама-қарши бўлган ижтимоий гурухлар ва улар манфаатларини ифода қилувчи сиёсий партиялар шакллана бошлаган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ҳокимиятни қўлга киритиш учун кураш олиб бориш зарурияти билан ўзвий боғлиқ бўлиб, унга ўхшаш институтлар Ғарб ва Шарқда қадимдан мавжуд бўлган[2].

Партияларнинг илк шаклланиши ва фаолият кўрсатиш жараёни, яъни партогенез қадимги Римда кузатилиб, ўзаро курашаётган гуруҳлар “оптиматлар” (лотинча “optimum” – “энг яхши”) ва “популярлар” (лотинча “populus” – “халқ”) деб аталган. “Оптимат”лар аристократия манфаатларини ҳимоя қилган бўлса, “популяр”лар оддий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилган[3].

---

[1] Нишонов М. Сиёсий партиялар, ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар. – Т.; 1993. – Б. 8.
[2] Юридик энциклопедия. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 392.
[3] Моммзен Т.История Рима. – СПб. Лениздат, 1993. – С. 149

Кейинчалик партиялар ривожланиши XVII аср охири XVIII аср бошлари Ғарбий Европа ва Америкада илк буржуа давлатлари сиёсий тизимларининг вужудга келаётган даврга бориб тақалади.

Биринчи партиялар эса феодал ҳокимиятга қарши кураш жараёнида либерал қараш тарафдорлари томонидан тузилган эди. Шулар жумласига, Италияда империячилар ва антиимпериячи[4], Британиядаги "Индепендентлар", "Ливеллерлар", "Виглар"[5], Францияда "Инқилоб клуби", "Марказий Республика жамияти", "Халқ дўстлиги клуби"[6] , Германиядаги прогрессивлар партияси, АҚШда Республикачилар ва федералистлар[7], Японияда "Дзиюто", "Кайсинто"[8] партиялари кабиларни киритиш мумкин.

Марказий Осиёда эса сиёсий партиялар фаолияти асосан, XX аср бошларига келиб тақалади. Бу аввало Марказий Осиёда мустамлакачилик сиёсатига қарши озодлик ҳаракати билан боғлиқ бўлган. Жумладан, шу йилларда кенг ёйилган жадидчилик ҳаракати туфайли "Турон", "Иттиҳоди тараққий", "Бирлик", "Шарқ озодлиги", "Ёш бухороликлар", "Ёш хиваликлар", "Мифтаҳ ул-маориф" ва бошқа кўплаб ижтимоий ташкилотлар фаолият кўрсатган. Аммо, собиқ шўро ҳукуматининг қуролли истилоси натижасида барча миллий сиёсий партиялар фаолияти тақибга олиниб, батамом тугатилди. Фақат истиқлол туфайлигина Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялар том маънодаги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таркибига айланди.

Партиялар типологиясининг энг кўп учрайдиган мезони сифатида улар фаолиятининг ғоявий асослари олиниб, доктринал, харизматик ва демократик принципларга асосланувчи давлатларда прогматик: меҳнат партияси, халқ демократик, социал-демократик каби партияларга туркумлаштиришлар мавжуд. Сиёсий партиялар мафкуравий белгиларига кўра эса; коммунистик, социалистик, халқ, либерал, консерватив, миллий ва диний партияларга бўлинган.

Дунёнинг ишчилар партияси, деҳқонлар партияси, социалистик меҳнаткашлар партияси, социалистик партиялар – коммунистик руҳдаги партиялар ҳисобланиб, ушбу партияларни бирлаштирувчи асосий ғоя коммунистик ғоядир. Ҳозирда дунёнинг (Хитой Халқ Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Куба Социалистик Республикаси, Шимолий Корея Социалистик Республикаси) каби бир қанча мамлакатларда коммунистик партиялар давлат ҳокимиятининг тепасида турибди.

Миллий партиялар бошқа сиёсий партиялардан миллий хусусиятлар ва миллий манфаатларни ҳимоя қилишни асосий мақсад қилиб қўйганлиги билан ажралиб туради. Бундай партиялар фаолиятида иккита асосий йўналишни кузатиш мумкин:

Биринчи йўналиш тарафдорлари миллий манфаат, миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Бундай партиялар асосан, мустамлакачилик сиёсати таъсиридан чиққан мамлакатларда пайдо бўлади. Ҳиндистоннинг М.Ганди асос солган "Миллий Конгресс" партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" Демократик партияси каби партиялар бунга мисол бўла олади.

Иккинчи йўналиш тарафдорларининг ҳатти-ҳаракатларига эса миллий хусусиятларни мутлоқлаштиришга хос. Бунда миллий биқиқлик, ўз миллий манфаатини ўзга миллатлар ҳисобидан амалга ошириш, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш ёки бошқа миллатларни камситиш каби ҳаттиҳаракатлар кўзга ташланади. Бундай партияларга мисол қилиб

[4] "История Италии". Под.ред. С.Д.Сказкина Том. 1. – М.: Наука, 1970. – С. 229.
[5] Новая история стран Европы и Америки. Под.ред. А.В.Адо. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 34-36.
[6] История Франции. В 3-х томах. Том.2. Отв.ред. А.З.Манфред. – М.: Наука, 1973. – С. 22-24.
[7] Трояновская М.О. США: у истоков двухпартийной системы. – М.: Международная отношения, 1989.-С. 41-45
[8] Кузницов Ю.Д., Навлицкая Г.Б., Сирицин И.М. История Японии. – М.: Высшая школа, 1988. - С. 182-184. Политология. Маърузалар матни. – Т.; 2000. – Б. 92

XX асрнинг биринчи ярмида фаолият кўрсатган Германия “Миллий социалистик ишчилар партияси” (Адолъф Гитлерни худди шу партия ҳокимият тепасига олиб келган) ҳамда 1993 йилда Россия Федерацияси давлат Думасида ўзининг фракциясига эга бўлган Россия либерал-демократик партиясини келтириш мумкин.

Диний партиялар ҳам ҳозирги давр сиёсий харитасида маълум бир мавқега эга бўлган сиёсий партиялар бўлиб, уларнинг ғоявий асосини ислом, христианлик, буддавийлик ёки бошқа динлар ташкил этади. Бу партияларнинг дастурлари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мазмунига кўра турлича бўлиб, улар давлат ҳокимияти учун курашда турли воситалардан фойдаланадилар. Диний партияларнинг аксарияти диний эътиқод учун эмас, балки маълум сиёсий мақсадга эришишда диндорлар ёрдамига таяниш учун курашадилар.

Ҳозирги кунда дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб диний ном билан аталувчи сиёсий партиялар фаолият кўрсатмоқда. Булар қаторига Германия Христиан-демократик партияси, Туркия ислом фаровонлик партияси, Ҳиндистон Бҳаратия Жаната партияси, Эрон ислом республикачилар партияси, Афғонистон ислом партияси, Ливанда “Хизбуллоҳ” партияси, Тожикистон ислом уйғониш партияси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шунингдек, сиёсий партияларни ҳокимиятга бўлган муносабатига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) **ҳукмрон партия** (ҳокимият тепасидаги партия) – бевосита давлат бошқарувини амалга ошираётган сиёсий партияга айтилади. Демократик шароитда «ҳокимият партияси» тушунчаси нисбий хусусиятга эга бўлади;

б) **мухолифат партияси** – давлат олий вакиллик органларида ўзининг маълум миқдордаги овозига ҳамда жамият ҳаётига таъсир этиш имкониятига эга бўлган, ҳокимият партияси сиёсатига қарши чиқувчи сиёсий партияга айтилади. Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мухолифат институти демократик ҳаётнинг нормал ҳодисасидир. Жамиятнинг демократик ҳаёти оппозицион руҳдаги сиёсий партияларнинг сони билан ҳам белгиланмайди;

в) **мухолифатда бўлмаган партия** – давлатнинг олий вакиллик органларида жамият ҳаётига таъсир этиш учун етарли овозга, имкониятга эга бўлмаган, шу билан бирга ҳукмрон партияга нисбатан мухолиф позицияда бўлмаган сиёсий партияларга айтилади. Хитойда Коммунистик партиядан ташқари қолган барча сиёсий партиялар бунга мисол бўла олади.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар тузилишига доир турли фикр ва мулоҳазалар ҳам мавжуд бўлиб, унда сиёсий партиялар мавжуд тузумга кўрабуржуа-демократик партиялар, авторитар партиялар, социалистик партиялар, тоталитар, демократик турларга ажратиш мумкин.

Сиёсий партиялар мавжуд тузумда ўз фаолиятини амалга ошириш усул ва воситаларига кўра - инқилобчи, ислоҳотчи, консерватив ва реакцион партиялар бўлинади. Сиёсий партиялар сиёсий йўналишига кўра - сўл, марказ, ўнг партияларга бўлинса, фаолиятини амалга ошириш даражаларига кўра - босиқ, радикал, экстремистик партиялар мавжуд.

Бугунги кунда ҳар қандай сиёсий партия ўзининг қуйидаги асосий белгиларига эга бўлиши лозим:

1) **Маълум ғоя мавжудлиги**. Бизга маълумки, ғоя ҳар хил қарашлар, тасаввур, фикрлар мажмуидир. Ҳар қандай ғоя замирида кишилик жамияти манфаатлари ётади. Ғоялар ҳаётийлиги, моҳияти унинг жамиятда мавжуд бўлган манфаатларни қанчалик ифодалаши билан бир-биридан фарқланади. Жамиятда сиёсий партиялар юзага келиши объектив жараён бўлиб, у ўзининг ғояси ва уни ҳаётга тадбиқ этиш йўл-йўриқ ва усул-воситаларига ҳамда ўз электоратига[9] эга бўлгандагина сиёсий майдонга чиқа олади;

[9] Электорат – маълум бир сиёсий партияни қўллаб-қувватловчи сайловчилар гуруҳи.

2) **Ўзининг номига эга бўлиш хусусияти**. Партия ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўзига ном танлайди ва бу ном, албатта, унинг дастури ва саъй-ҳаракатларига мос бўлиши керак;

3) **Дастур ва низомининг мавжудлиги**. Сиёсий партия ўз ғоясини ҳаётга татбиқ этиш йўл-йўриқлари, воситаларини белгиловчи дастур ҳамда аъзолар иш фаолиятини ташкил этиш мақсадида низом қабул қилиб, ушбу хужжатларни партиянинг юқори органи бўлган қурултой қабул қилади, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади;

4) **Бошқарув тизимига эгалик хусусияти**. Съезд, пленум, конференция, Марказий Кенгаш партиялар бошқарув тизимининг олий органи ҳисобланиб, партия ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этади ва тегишли қарорлар қабул қилади;

5) **Ўз матбуотига, нашрига эгалиги**. Қайси партия ижтимоий фикрни ўзига оғдириб олса, шу партия сайловларда ғалаба қилади. Ижтимоий фикрни шакллантиришнинг асосий воситаси эса матбуотдир. Партия ўзининг ғояси ва дастурини, жамиятда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга мунособатини матбуот орқали билдириб боради;

6) **Молиявий таъминланганлик**. Партиялар фаолиятининг самарадорлиги уларнинг молиявий аҳволига боғлиқ бўлиб, бугунги кун шароитида партияларнинг моддий таъминоти турлари ҳар бир давлатнинг ўз миллий қонунчилигида белгиланади;

7) **Ҳокимият учун кураш**. Кишиларнинг сиёсий партияларга бирлашиш асоси бирор умумий мақсад ва манфаатлар ҳисобланиб, уларни амалга ошириш бевосита ҳокимиятни эгаллаш орқали кечади. Демократик шароитда ҳокимият учун партиялар ўртасида кураш белгиланган қонун-қоидалар доирасида сайловлар орқали амалга оширилади. Аслида, ҳокимият учун кураш ижтимоий фикр учун, ўз дастурига, жамият олдида турган муаммоларни ўз салоҳияти орқали ечиш маҳоратига уларни ишонтириш учун кураш демакдир;

8) **Ихтиёрийлик, очиқлик**. Ҳар қандай сиёсий партияга киши ихтиёрий равишда аъзо бўлиш ва ҳоҳлаган пайтда ундан чиқиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Ҳеч бир киши зўрлик билан у ёки бу партияга аъзо қилиниши мумкин эмас.

Ҳозирги замон сиёсий партияларининг хусусиятлари уларнинг ўзига хос функцияларини келтириб чиқаради. Сиёсий партияларининг асосий функциялари қаторида қуйидагиларни кўриш мумкин:

Ижтимоий функция. Ўзининг ижтимоий асосига эга бўлмаган партия замонавий сиёсий партияларнинг табиатига зиддир. Демак, жамиятда мавжуд бўлган гуруҳлар ва улар манфаатларининг ҳар хиллиги сиёсий партияларнинг турли-туманлигини келтириб чиқаради. Маълум бир партия пайдо бўлишидан олдин ана шу партия томонидан манфаатлари ифодаланувчи гуруҳ вужудга келади. Шунинг учун ҳам, сиёсий партияларга бўлган муносабатда, улар фаолиятининг қонуний асосларини яратишда партияларнинг пайдо бўлиш қонуниятларига эътибор қаратиш зарур. Сиёсий партияларни юқоридан буйруқ бериш усули билан яратиб бўлмайди, аксинча, улар жамиятдан қонуний тартибда мустақил равишда униб чиқиши лозим.

Сиёсий функция. Сиёсий партиялар давлат ҳокимиятини қўлга олиш учун кураш олиб борадилар. Ушбу мақсадда улар ҳар бир партия аъзосининг сиёсий билим ва тажрибаларини узлуксиз равишда орттириб борадилар. Маълумки, демократик сиёсий тизимда ҳар бир партиянинг келажагини сайловлар ҳал этади. Сайловчилар овозига қараб партиялар сиёсий ҳаётда мавжудлигини сақлаб қоладилар ва ҳокимиятга келади ёки аксинча. Юзаки қараганда, сиёсий партиялар ўртасидаги кураш фақат сайлов бошланиши билан содир этиладиган жараёнга ўхшасада, аслида эса у доимий бўлиб, узлуксиз тарзда амалга оширилади. Кураш бир партиянинг ҳокимият тепасига келиши, иккинчисининг эса ҳокимиятдан кетиши билан ҳам якунланмайди.

Шундай қилиб, партия жамиятнинг сиёсий мактаби ҳисобланади ва ҳар бир шахсни сиёсат субъекти сифатида шакллантириб, тарбиявий функцияни ҳам бажаради.

Мафкуравий функция. Сиёсий партиялар маълум бир жамиятнинг манфаатларини идрок этиш ва дунё давлатларида содир этилаётган воқеа ва ҳодисаларни таҳлил этиш асосида ўз мафкурасини ишлаб чиқади ва унинг тарғиботи билан шуғулланади. Партия мафкураси, ғояси замон талабларига ҳозиржавоб ва мақсадлари ҳавойи эмас қанчалик "замин"га яқин бўлса, у шунчалик яшовчан, партия эса курашчан бўлади. Аксинча, партия ўз мафкурасини ақидага айлантириб, уни жамиятга зўрлик билан тадбиқ этмоқчи бўлса, ундай партия заифлашиб, жамият тараққиёти натижасида тарихга айланади. Собиқ совет тузумида коммунистик мафкура ана шундай тақдирга учради. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз фаолиятида мумкин қадар мафкуранинг ҳаётийлигини таъминлашлари зарур[10].

Методологик функция. Ҳозирги мураккаб ва зиддиятли замонда сиёсий партиялар мавжуд келишмовчиликлар ва зиддиятларни тинч йўл билан бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳамдир. Ўтмишда уруш давлатлараро зиддиятларни ҳал этиш воситаси сифатида қаралган. Ҳозирги биз яшаб турган замон эса урушни маълум бир мақсадларга эришиш воситаси сифатида мутлақо инкор этмоқда.

Ҳозирда дунё давлатларининг ядро қуролига эга бўлиш, ишлаб чиқариш, оқибатда ундан фойдаланишга интилиши ер юзи аҳолисига ҳавф сифатида сақланиб қолиши, экологик муаммолар кундан-кунга мураккаблашаётганлиги, дунёда бойлик билан камбағаллик ўртасидаги, "саноати ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут ва зиддиятлар кучайиши" сиёсий партияларнинг даврнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этишдаги аҳамиятини янада орттирмоқда. Юқоридаги муаммолар глобал хусусиятга эга бўлиб, уларнинг бирортасини ҳам дунё халқларининг биргаликдаги ҳамкорлигисиз ҳал этиб бўлмайди.

Гносеологик функция. Сиёсий партиялар нафақат сиёсатнинг асосий субъекти, балки сиёсий реалликнинг билиш субъекти сифатида ҳам намоён бўлади. Маълумки, жамиятнинг энг ўзгарувчан соҳаси бу сиёсий реалликдир. Сиёсий реалликнинг ўзгариши эса ўз-ўзидан сиёсий онг ва сиёсий тизимнинг ўзгаришига олиб келмайди. Сиёсий реаллик билан сиёсий онг ва сиёсий тизимнинг айнан мослигини таъминлаб турувчи сиёсий партия билиш субъекти сифатида ўзгарган сиёсий реалликни илғаб олади ва унга мос равишда кишиларнинг сиёсий онгини шакллантириб, мавжуд сиёсий тизимнинг ўзгарган сиёсий реалликка адекватлигини таъминлашда иштирок этади ва шу орқали жамият сиёсий тизимининг яшовчанлигини белгилайди.

Демократик жамиятнинг муҳим омилларидан бири бўлган кўппартиявийлик мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга келиши ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг объектив жараёнига айланди. Партия жамият ҳаётини демократлаштиришда ва ҳар бир мамлакат олдида турган вазифаларни белгилаш ва амалга оширишда ўзига хос ўринга эга бўлади ҳамда муайян функцияларни бажаради. Биринчидан, жамоатчилик фикрини шакллантиради. Иккинчидан, сиёсий фаолиятда иштирок этади. Учинчидан, фуқаролар сиёсий фаоллигини қўллабқувватлаш ва рағбатлантириш вазифаларини ўтайди. Тўртинчидан, сиёсий маданиятни оширади. Бешинчидан, Парламент ва ҳукумат фаолиятига сиёсий мақсадлари орқали таъсир кўрсатади. Олтинчидан, давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга ошишида фаол иштирок этади.

Партия дастурлари сиёсий-ижтимоий аниқ мақсад ва функцияларга қаратилган бўлиб, улар 2 турга бўлинади:

[10] Ўзбекистоннинг миллий истиклол мафкураси. – Т.: 1992. – Б. 18.; Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура. – Т.: 1994. – Б. 24.

Ички функциясига кўра – жипслаштирувчи; мувофиқлаштирувчи; рағбатлантирувчи; етакчиликка интилиш; Ўзбекистон Конституциявий тизим ва сиёсий курсга мослиги.

Ташқи функциясига кўра – тарғибот ва ташвиқот; маълум сиёсий йўналишга мослаштириш; сиёсий воқеа ва жараёнларга ҳозиржавоблик.

Умуман олганда, сиёсий партиялар фаолияти ўз фаолият мақсадларини белгилаш, ўзининг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, қарашлари тизимини яратиш ва уларни кенг омма орасида ёйиш; жамият аъзоларининг турли манфаатларини ўз фаолияти ва ҳужжатларида кенг қамраб, улар учун энг маъқул партияга айланиш; турли органларга сайловларда долзарб шиорларни ўртага ташлаб, сайловчиларнинг кўпроқ овозини ўз фойдасига ола билиш; ўз сафларига янги аъзоларни тортиш ва саралаш йўли билан унинг етакчи табақасини шакллантириш; партия дастурида кўрсатилган вазифалар қонун чиқарувчи ҳамда ижроия давлат органлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилиш каби асосий йўналишларда олиб борилади.